



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 17 декабрь, № 266 (7768) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИКДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 декабрь куни қиш мавсумига тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш ҳамда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бу йил кунда кескин совуқ тушиб, об-ҳаво аввалги йилларга нисбатан эрта пасайди. Электр энергияси, табиий ва суёлтирилган газ, иссиқлик таъминотида тез-тез узиллишлар бўлди. Бу вазият тармоқлар ва ҳудудларнинг қиш мавсумига тайёр эмаслигини яққол кўрсатиб берди. Яқинда бензин нархи ҳам ошди. Булар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

— Менга бандларвоз гаплар ва рақамлар керак эмас. Жойлардаги раҳбарларнинг ишлари натижасига ижтимоий тармоқларда халқимиз ўзи ҳолис баҳо бермоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, энергия ресурслари таъминотини яхшилаш чоралари муҳокама қилинди.

Қиш мавсумида тармоқ ва ҳудудларда узлуқсизлиқни таъминлаш учун суткасига 10-12 миллион киловатт-соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш зарурлиги қайд этилди. Бу қувватни "Тошкент", "Сирдарё", "Янги Ангрен" электр станцияларидаги 900 мегаваттлик 5 та энергоблокни ишга тушириш ҳисобидан таъминлаш бўйича топширик берилди.

Узиллишларга, асосан, тақсимловчи тармоқларнинг 60 фоизи аскирган ҳамда электр энергиясига талаб ошиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Шу боис паст ва ўрта кучли тармоқларни босқичма-босқич модернизация

қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиб, ижросига тезроқ киришиш зарурлиги таъкидланди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда газ таъминотида суткасига 20 миллион куб метр танқислик мавжуд. Оқибатда мингдан зиёд маҳаллада табиий газ босими пасайган.

— Газ тизими билан боғлиқ муаммолар бугун юзага келмагани, балки ўттиз йилдан бери бизни қийнаб келаётганидан барчамиз хабардоримиз. Лекин буни баҳона қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Халқимизга газ керак, уларнинг кўпчилиги бунинг учун тўловларни ўз вақтида ҳалол қилиб, тўлаб келмоқда, — деди Президент.

Давлат раҳбари газ экспортини қисқартириб, аввало аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан кўрсатма берди. Бунинг ҳисобига кўнрага 7-8 миллион куб метр табиий газ қўшимча равишда ҳудудларга йўналтирилади. Шунингдек, аҳоли эҳтиёжини қоплаш учун яна 217 минг тонна суёлтирилган газ етказиб бериш вазифаси қўйилди.

Самарасиз ишлаётган 25 та конни инвесторларга "риск-сервис контракт" шартлари асосида бериб, табиий газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкинлиги айтилди.

Жойларда табиий газ ва кўмир таъ-

минотида ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилаётгани билан боғлиқ эътирозлар ҳам борлиги қайд этилди.

Мисол учун, аҳоли ва ижтимоий объектлар учун ажратилган маҳаллий кўмининг 60 минг тоннаси ҳали эгаларига етказиб берилмаган. Муборакда гишт ишлаб чиқариш заводи ер остидан ўтган газ қувурига ноқонуний уланиб, 4,3 миллион куб метр газни талон-торож қилган. Бу 8 мингта хонадоннинг бир ойлик газ таъминотидир.

Шунингдек, жорий йилда 74 та тумандаги йирик газ тармоқларига замонавий ўлчашчилар ўрнатилгани натижасида 2 мингдан зиёд улгуржи истеъмолчилар томонидан 7 миллион куб метр табиий газ ноқонуний ўзлаштирилгани аниқланган.

Шулардан келиб чиқиб, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш тақлифи билдирилди.

— Бу йил қишни қандай ўтказамиз? Бугун ҳамма раҳбарлар шу саволга жавоб бериши керак. Ҳақиқатан ҳам, муаммолар жуда кўп. Уларни фақат маҳаллабай кесимда чукур ўрганиш ва ҳал қилиш-гина натижа беради, — дея таъкидлади Президентимиз.

Иссиқлик таъминотидаги 153 та қозонхона ва 2 минг 802 километр тармоқларни таъмирлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ис газ ва чақнашлар билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларга тўхталиб ўтди. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Ёнғинга қарши курашиш бошқармаси фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, тубдан ислоҳ қилиш, ёнғинга қарши профилактика ишларини кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бош вазир ўринбосарига мавжуд имкониятларни тўлиқ сафарбар этиб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан узлуқсиз таъминлаш, қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича вазифалар қўйилди.

Йиғилишда яна бир долзарб масала — аҳолининг озик-овқат маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш вазифалари атрофлига муҳокама қилинди.

Нарх-навонинг ошishi кескин танқид қилинди. Бунинг олдини олиш бўйича қатор топшириқлар берилди.

Асосий озик-овқат маҳсулотларининг нархи ҳудудлар кесимида таҳлил қилинди. Ўтган ойларда нарх-наво нисбатан ошган вилоят ва туманлар кўрсатиб ўтилди.

Мутасадди идораларга ҳар бир ҳудудда штаблар ташкил қилиб, бозорларда нарх-наво спекуляцияси ҳолатларининг қатъий олдини олиш вазифаси қўйилди. Ички ва ташқи бозорларда асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари айланмасини, нарх-навосини, мавжуд эҳтиёж ва талабларни кунлик таҳлил қиладиган идораларо ишчи гуруҳ тузилиши белгиланди.

Янги йил байрами арафасида талаб ошишини инобатга олиб, рас-таларни маҳсулотлар билан тўлдириш, деҳқон бозорлари ва йирик савдо объектларида ярмаркалар ташкил этиб, уларга товарларни арзонлаштириш нархларда етказиб бериш муҳимлиги қайд этилди.

Жаҳонда озик-овқат маҳсулотлари нархи кескин ўзгариши прогноз қилинмоқда. Шу боис ички бозорга асосий турдаги товарларни кафолатли етказиб бериш учун махсус жамғарма ташкил қилиниб, 50 миллион доллар ажратилган.

Ушбу маблағлар ҳисобидан биринчи навбатда ўсимлик ёғи ва бошқа зарур маҳсулотларни сотиб олиб, камида 3 ойлик захира яратиш бўйича кўрсатма берилди. Худди шундай ишлар ҳокимликлар қошида ташкил этилган жамғармалар орқали ҳам амалга оширилиб, ҳар бир ҳудуд ўз захирасини шакллантириши кераклиги таъкидланди.

Бош вазирга озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча ишларни мувофиқлаштириш, ички бозорларни таҳлил қилиб, уларга зарур озик-овқат маҳсулотларини интервенция қилиш, бу борада тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимларининг ҳисоботи эшитилди.

Ў.А.

БИЗ ва ЖАҲОН

РОССИЯ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ РАҲБАРЛИГИГА «МЕҲР-САХОВАТ» КЎКРАК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг тегишли Фармонида мувофиқ, "Меҳр-саховат" кўкрак нишони билан Россия соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко ва унинг ўринбосари Олег Гриднев мукофотланган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ботиржон Асадов ушбу мукофотларни тантанали равишда топширди.

Сўнгги пайтларда Ўзбекистон ва Россия ўртасида турли йўналишлар, шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик фаоллашмоқда. Хусусан, тиббиёт ҳодимлари учун мунтазам равишда ўтказилаётган конференциялар, ўқув курслари ва амалиётлар, тажриба алмашиш ҳамда ўзаро ёрдам янги коронавирус инфекцияси туфайли юзага келган оғир эпидемиологик вазиятда бирдамликни яққол ифода қилди.

Россия Соғлиқни сақлаш вазирилик қисқа вақт ичида ўзбекистонлик ҳамкасбларига коронавирга қарши курашишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш учун 75 нафар етакчи тиббиёт мутахассисини юборди.

Шунингдек, Россия Соғлиқни сақлаш вазирилик Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон фаровонлигини назорат қилиш федерал хизмати билан ҳамкорликда Ўзбекистонга 1 400 тўпلام тест тизимларини тақдим этди. Бу вирусни ўз вақтида аниқлаш ва COVID-19 тарқалишининг олдини олишга кўмак берди.

Пандемия даврида ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича видеоконференциялар форматидagi мунтазам учрашувлар ва музокара-лар бўлиб ўтди. Уларда турли касалликлар, шу жумладан, коронавирга инфекциясининг олдини олиш ҳамда даволашнинг умумий усуллари, янги методологиялари ва протоколлари ишлаб чиқилди. Бу икки мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирилик-лари, инсон фаровонлигини таъминлаш хизматлари ва бошқа тиббиёт муассасалари ўртасида самарали тажриба алмашиш, саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш имкониятини берди.

3

Парламент дипломатияси

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Агостино Пинна билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотларнинг бориши, сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари, шу жумладан, парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш тўғрисида фикр алмашилди.

Элчи мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ютуқларини эътироф этаркан, "биз, Ўзбекистонда

олиб борилаётган ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз", деди.

Учрашувда Ўзбекистон — Италия ҳамкорлиги ўзаро ишончга йўғрилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқалари асосида тобора мустаҳкам-ланиб бораётгани, шунингдек, икки мамлакат халқаро ташкилотлар доирасида ҳам яқин ҳамкорлик қиладигани таъкид-ланди.

2

КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов Италия ҳамда Покистон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари билан учрашув ўтказди.

Мулоқот аввалда қўйи палата Спикери Италиянинг мамлакатимизга яқинда тайинланган Фавқулодда ва мухтор элчиси Агостино Пиннани ушбу шарафли вазифа билан самимий қўллаб-қувватлаш дипломатик миссияни амалга оширишида унга муваффақият тилади.

Учрашувда Нурдинжон Исмоилов Италия элчисини кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёни билан таништирди.

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2020 йил 18 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлади.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилади.

ЕОИИ ТАРКИБИДА КУЗАТУВЧИ ДАВЛАТ МАҚОМИНИ ОЛИШ — ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МУВОЗАНАТ НУҚТАСИ



Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилишида Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)га аъзо мамлакатлар етакчилари Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлат мақоми бериш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар. Қайд этиш керак, аynи пайтда депутатлик корпуси, кенг жамоатчилик ушбу қарорни қўллаб-қувватламоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нодир ЖУМАЕВ билан сўхбатимиз мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан мулоқотини ривожлантиришдан кутиладиган натижалар, истиқболдаги режалар хусусида бўлди.

Бизнинг интервью

— Нодир Хосиятович, биламизки, Евроосиё иқтисодий иттифоқи йирик халқаро ташкилот. Шундай экан, аввало, ушбу тузилманинг мақсад ва вазифаларига тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, Евроосиё иқтисодий иттифоқи — 2014 йилда Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси ва Қозғистон Республикаси ўртасида тузилган шартнома асосида ташкил этилган халқаро ташкилотдир. Бу иттифоққа 2015 йилда

Арманистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси аъзо бўлиб қирган, 2018 йилдан эътиборан Молдова кузатувчи мақомига эга. Шунингдек, ЕОИИ Вьетнам, Хитой, Эрон каби давлатлар билан эркин савдо келишувларини имзолаган бўлиб,

моҳиятан мазкур давлатлар билан ягона ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш-ни аниқлади.

Евроосиё иқтисодий иттифоқининг мақсади — аъзо давлатлар аҳолисининг турмуш даражасини ошириш борасида барқарор ривожланиш учун шароитлар яратиш, тузилма доирасида товарлар, хизматлар, капитал ва меҳнат ресурсларининг ягона бозорини шакллантиришга ҳаракат қилиш, глобал иқтисодиёт шариоитида миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ҳар томонлама модернизациялаш ва ўзаро кооперацияни ривожлантиришдир.

2

ИСЛОҲОТЛАРГА АСОС БЎЛАЁТГАН ҲАЁТБАХШ МАНБА

Давлатимиз раҳбари томонидан Бош қомусимиз қабул қилинганнинг йиғирма саҳиб йиллик байрами муносабати билан халқимизга йўлланган табрик ватандошларимизни янада руҳлантириб юборди.

Муносабат

Зеро, унда эришилган ютуқлар билан бирга, амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар ҳам белгилаб берилди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигига қаратилгани, энг муҳими, барча ислохотларда Конституциямиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бу борада кенг жамоатчилик вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

3

БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН — КЕЧАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЭМАС



Нуқтаи назар

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда "Янги Ўзбекистон" ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залварли ютуқларимиз эътирофидир.

Президентимиз қайд этганидек, халқимизнинг улғувор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десақ, аynи ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимизнинг дунёқараши ҳам кечагидек эмас.

3

РОССИЯ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ РАҲБАРЛИГИГА «МЕҲР-САХОВАТ» КЎКРАК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Вазир Михаил Мурашко мукофот учун миннатдорлик билдириб, келгусида самарали ҳамкорлик қилиш...

Янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳаси:

ҲАЁТИЙ НОРМАЛАР, ТИЗИМЛИ ЎЗГАРИШЛАР

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 15 октябрыда кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида халқ вакиллари олдига янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини кўйган эди.

Фикр

Хўш, мазкур лойиҳада амалдагисидан фарқи ўлароқ қандай янгилик ҳамда ўзгаришлар акс эттирилган? Айтиш жоизки, тайёрланган Ер кодекси лойиҳаси жами 200 боб, 160 моддадан иборат бўлиб...

ИСЛОҲОТЛАРГА АСОС БЎЛАЁТГАН ҲАЁТБАХШ МАНБА

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

Мамлакатимиз азалдан илм-фан, маърифат ўчоғи бўлиб келган. Тарихдан маълумки, иккита Шарқ Уйғониши айнан бизнинг заминда қуртак очган...



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Санобар СУЯРОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЗАМОНАВИЙ ВА ИШОНЧЛИ ИМКОНИЯТЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ

Халқимиз мамлакат Конституциясини ҳақли равишда жамият тараққиёти, давлат қучқудратининг мустақам пойдевори, ёрқин маёғи, деб ҳисоблайди...

Биз учинчи Ренессансга мактабга таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданый муассасалар воситасида эришқимиз...

БАРЧАМИЗГА ЮКСАК ГУРУР ҲАМДА ИФТИХОР БАФИШЛАЙДИ

Табриқни биз, ўқитувчилар ҳам таъбир жоиз бўлса, жон қулоғимиз билан тингладик. Давлатимиз раҳбари ҳар бир қилишида педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш...

Ўнлаб ўқувчиларимиз фан олимпиадаларининг вилоят ҳамда республика босқичларида қатнашиб, мактабимиз нуфузини оширапти...

БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН — КЕЧАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЭМАС

“Ренессанс” иборасига таъриф берадиган бўлсак, у француз ва италия тилларида, ҳусусан, лотинчада “қайта туғилиш” маъносини беради...



Ўзбекистон ҳудуди ҳам Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида, айниқса, икки тамаддунни бошдан кечиргани дунёга маълум ва машҳур...

Буғун шиддат билан ривожланаётган ҳаётимизда рўй бераётган юксалиш жараёнлари ўзини барча соҳаларда намоян этмоқда. Бинобарин, мустақилликка эришган йилларимизнинг илк даврида биз ўзимизнинг миллий ўзгаришимизни англаш, бой тарихий-маънавий ҳамда илмий меросимизнинг асл мазмун-моҳиятини қақшиш ва уни рўёбга чиқаришга интиладиган бўлсак...

Янгилик «ЎЗБЕКИСТОН» СМАРТФОНЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди остидаги махсулотларни буғун жаҳоннинг турли минтақаларида учратиш мумкин. Илгари махсулотни экспорт қилиш эмас, учун ишлаб чиқаришнинг ўзи нийоятда мушкул эди...



64 гигабайт хотира қуварига эга ушбу смартфонлар корхонанинг лойиҳани маҳаллийлаштириш ва ташқи иқтисодий фаолият бўйича мутахассиси Зарноғор Жуманов лойиҳаси асосида яратилган. “Ўзбекистон” смартфонлари ўзига ҳок дизайн ва замонавий кўринишга эга бўлиб, унинг дастурий таъминоти ҳам миллий хусусиятга эгалиги билан ахамиятли...

Ҳам Конституцияимиз ишлаётгани, унинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олинаётгани шарафати, десак, тўғри бўлади. Ҳаётимиздаги янгиликларимизнинг ҳар бирида бизнинг соҳани олиб қарайлик. Бундан уч йил аввал йўлга қўйилган давлат хизматлари тизими юрtdошларимизнинг қундалик ҳаёт билан боғлиқ юмушларини тезкорлик билан ҳал этишнинг замонавий ва ишончли имкониятларини юзага келтирди. Бу, жумладан, буғунги кунда фуқароларга 140 дан ортиқ турда давлат хизматлари кўрсатилиб, уларнинг манзили яқин, оғири энгил бўлаётганида яққол кузатилади. Айтиш лозимки, ҳаётимиздаги янгиликларимиз жамият ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамлар дунёқарашини ўзгартирипти, юрtdошларимизнинг ҳар бирида мамлакат тараққиётига дахлдорлик туйғусини мустақамлаётди...

Равшан МАМУТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.

Ташўйлат МАТИБОВЕВ, социология фанлари доктори, профессор.

М. ПИРНАФАСОВА.

Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллигига

Оғир қоғоз зарғари

Адабиёт — абадиятга дахлдор санъат. Инсон, унинг сирли олами, руҳияти талқини ва тадқиқи, асрлар ўтса-да, оқорини йўқотмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 ноябрдаги фармойиши билан халқимиз ардоқлаган бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар, олимлар қаторида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимиз миқёсида

кенг нишонланаётгани ҳам ана шу ўлмас ҳақиқатнинг яна бир ҳаётий ифодаси бўлди. Ушбу ҳужжат асосида ижодкор ҳаёти ва асарлари таълим муассасаларида, ҳарбий қисмларда, маҳаллаларда кенг тарғиб этилмоқда.

Қўйида атоқли ижодкор ҳақида унинг шогирди, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Эркин Ўзманнинг хотиралари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



турли давлат ва жамоат ташкилотларининг, нашриёту таҳририятларининг йўл-йўлагини чангитиб юборади: "Паҳланнинг йирик санаси, мақола чиқариш керак, китоб чиқариш керак!"

Устоз Асқад Мухторнинг икки ўғли бор, иккаласи ҳам фан доктори, зукко профессор. Адабий жамоатчилик уларни эшитган чикар, аммо ўзларини кўпчилик кўрмаган бўлса керак — шундай тамкин, камсукум. Падали бузрукворларининг 100 йиллик юбилейига ҳозирлик бошланган айни кунларда бу икки ака-ука ҳеч кимни безовта қилмай, ўртага маблаг ташлаб, кутубхоналарга беғараз тарқатиш мақсадида адабнинг икки жилди сайланмасини нашр этириш ташвиши билан юрибди, десак, ишонаверинг. Биз, устозни кўрган, ул донишманд, олижаноб зотдан таълим олиб, меҳридан баҳраманд бўлган авлод бу ҳолга асло ажабланмаймиз. Лекин ана шундай танти отага муносиб ҳурматли олимларнинг фарзандлик ҳимматидан мутаассир бу миннатдор бўлган ҳолда, айтганимиз, Асқад Мухтор ўзбек адабиётининг чўнг устунларидан саналмиш беэназир адиб, ўз таъбири билан айтганда, мангуликка дахлдор сиймо! Халқимиз эзгулик ҳаёсида беминнат хизмат қилган бундай фарзандларини ардоқлашни билади.

Эркин ЎЗМАН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

си"ни мутолаа этганимда ҳам шундай таассуротда қолган эдим.

Бир қарашда булар — соҳил-реализм асосларида ёзилган асарлар. Ҳўш, шунга кўрагина уларни чиқариш чикармоқ инсофданми? Ёзувчи, авваломбор, "Бухоронинг жинкўчалари", "Жар ёқасида чакмоқ"... Микёс ва теранлик, маҳорат даввоси эмас, асл маҳорат намуналари!

Яқинда "Аму" романини яна кўлга олдим. Уша давр сиёсий мавзуларида ёзилган, адиб ижодида бирмунча камписандроқ ҳисобланган шу асарни қайта ўқиб, ҳайратга тушдим: ҳавас қилулик тил, тасвирлар, қаҳрамонларнинг ранг-баранглиги, характер буртиқлиги, сиёсий-ижтимоий муаммолар залварли Мен кейинги чоғларда бундай маҳорат билан битилган асар ўқимаган эдим.

Ваҳоланки, унга асос қилиб олинган воқеликни ўрганиш учун муаллифининг атайин Афғонистонга бориб келганидан беҳабарман...

Ўқиб ўтган аср бошларидаги ижтимоий-тарихий муҳит тасвирига бағишланган "Бухоронинг жинкўчалари" асарини олинг. Ўқиган одам уни қадим маданиянинг Лабиринтга маҳалласида туғилиб ўсган бир пири дониш ёзган, дея ҳаёлга бориши мумкин.

Ўқимда, бундан ўн йиллар муқаддам, Қорақалпоқ қисса-

АНДИЖОНДА РАНГЛИ ПАХТА ЕТИШТИРИЛАДИ

Шу пайтгача Ўзбекистонда рангли пахта етиштирилмаган. Бирок Америка, Исроил каби давлатларда бу тажриба оммалашган. Айни пайтда бу борада Россия, Хитой ва Озарбайжон каби давлатларда ҳам изланишлар олиб боришмоқда.

ИЗЛАНИШ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб қириш маркази пахта селекцияси уруғчилик ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Андижон илмий тажриба станциясида турт хил рангли пахтани республикамиз шароитига мослаш жараёни давом этмоқда.

— Жаҳон тажрибасида рангли пахта етиштириш амалиёти мавжуд, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Ҳусанбой Эгамов. — Унинг оқ рангли пахтадан афзаллик жиҳатлари жуда кўп. Масалан, кимёвий ўғитлар билан тўйинтирилмайди. Ишлаб қириш жараёнида ранг беришга мўҳто эмас. Хом ашёси ҳам, тайёр маҳсулоти ҳам юз фоиз биологик тоза бўлгани боис, айниқса, тиббиётда кенг фойдаланилади.

Аслида, ҳар бир ўсимликнинг ўз ватани мавжуд бўлади. Уларни иккинчи ҳудудда парваришлад ўзига хос муаммоларни юзага келтириши турган гап. Яъни табиий иқлимга мослаша олмаслик энг катта масалага айланади. Шу боис андижонлик олимлар рангли пахта қиғитини Ўзбекистон шароитига мослашга қарор қилдилар. Бунинг учун эса маҳаллий чигит нави билан чатиштирилмоқда.

— Турт йиллик изланишларимиз давомида рангли пахта чигитини маҳаллийлаштириш эвазига янги ранг ҳосил қилдик, — дейди Андижон илмий тажриба станцияси раҳбари Илҳомжон Абдураҳмонов. — Айни пайтда кўк, сариқ ва қаймоқ рангли пахта ҳосили етиштирилди. Изланишларимиз давом этмоқда. Ишонимизки, биз яратаятган янги нав ўзининг сувсизликка чидамлилиги, касалликларга бардошлили-

ги, ҳосилдорлиги билан ҳам эътибор қозонади. Ҳозир рангли пахта чигити тажриба сифатида 5 сотих майдонда ўндирилди. Ҳосилдорлик кўрсаткичи гектарига 25 — 30 центнерни ташкил этапти. Бирок бу унга сарфланган харажатларни қоплаб бериши беримайди. Шу сабабли келгусида ҳар гектаридан қариб 50 центнер ҳосил берувчи янги нави яратилиш устида иш олиб боришмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: рангли пахта етиштириш қачон оммалашади? — Янги нав яратиш узоқ жараёни талаб этади, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Ҳусанбой Эгамов. — Мисол учун, "Андижон-35" пахта навини яратиш учун 17 йил изланиш олиб боришган. Бугунги кунга келиб, 65 минг гектар майдонга экилмоқда. Битта нави вужудга келтириш учун камида 12 йил вақт керак бўлади. Бу давр мубойида у ота ёки она уруғ томонга ўзгариб кетмаслиги учун илмий ёндашув давом этиши керак. Рангли пахтанинг Ўзбекистон шароитига мос янги навини саккиз йилдан сўнг қишлоқ хўжалиги соҳаси амалиётга тақлиф этиш ниятидамиз.

Андижон вилоятида пахтачилик соҳасида ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Ҳудудда сўнгги 90 йил мубойида 70 га яқин янги навлар яратилган бўлса, шундан 16 таси қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодиётни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу йўналишда самарали меҳнат қилаётган 4 нафар селекторнинг 11 нафар илмий ходим томонидан эришляётган нобий натижалар соҳа тараққиётига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

АРЗОНЛАШТИРИЛГАН ЯРМАРҚАЛАР — ЭЛ ХИЗМАТИДА

Фаргона вилоятининг марказий деҳқон бозорларида Янги йил байрами муносабати билан арзонлаштирилган савдо ярмаркалари фаолияти йўлга қўйилди. Уларда фермер хўжаликлари, қайта ишловчи корхоналар, агрофирмалар томонидан етиштирилган ва қайта ишланган турли озиқ-овқат маҳсулотлари арзон нархларда сотилишмоқда.

ТАРАДДУД

Хусусан, расталардаги картошка, пизё, сабзи, гуруч, кенг асортиментдаги озиқ-овқатлар, қайта ишланган маҳсулотлар ўзининг сифати ва мақбул нархи билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Савдо шохбачалари фаолияти ўзлақсизлигини таъминлаш мақсадида бозорларда зарур захира яратилган.

— Вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларда қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат, савдо мажмуаларида эса Янги йил совғалари ярмаркалари ташкил этилди, — дейди Фаргона вилояти деҳқон бозорлари ва

савдо комплекслари ўрнимаси бошқаруви раисининг уринбосари Илҳом Тошбоев. — Аҳолига қулайлик яратиш ва зарур маҳсулотларни арзон нархларда етказиб беришга мўлжалланган ушбу ярмаркалар фаолияти 2021 йилнинг 5 январига қадар давом эттирилади.

Жойларда ташкил қилинаётган бундай савдо ярмаркалари бозорларимиз тўқинлиги, нархнаво барқарорлигини таъминлаш билан бирга, халқимизга байрамона кайфият бағишламоқда.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Чинакам ижодкор оддий бир хатни ҳам қўл учига ёзмайди. Ёзолмайди. Ижодий вихидни бунга йўл бермайди. Қоғозга бирор нима ёзиб-чишиш лозим бўлганда уни ҳамма астойдил, бор имкон, тажрибасини ишга солиб бажаради.

Ҳар қанча тажрибадор, ҳар қанча улкан истёвдод эгаси бўлмасин, қору аъмоли шу! Билладик, кўнглининг таржимони мана шу оқ қоғоз, уни кўнгли буюрмаган ношойишта сўзлар билан наридан-бери тўлдирмоқ — гуноҳ, Ёзув машғулот, айниқса, ижод иши эса ҳаммаша машаққатлаб, негаки, "ҳаммасидан оғир — қоғоз..." (Асқад Мухтор таъбири).

Устознинг ўзи-да сўз меҳнати — ёзувчиликка мудом ана шундай зўр масъулият билан ёндашган. Унинг энг дастлабки ижодий машқларидан бошлаб сўнгги машур "Тундаликлар"га қадар ўқиб чиққан одам бунга амин бўлади: шунчаки ўйнаб, эрмакка битилган сатрни тополмайси. Муайян давр тақозоси билан ёки сиёсий илжикчиликни ҳисобга олиб ёзилган бўлиши мумкин, бирок шулар ҳам беором юрак "тери", тинимсиз мушоҳадлар заминидан дунёга келган.

Ўсимда, ёш қайтиб, хаста бўлиб қолган кезларида устоз бир гал "Мана, энди ёзадиган замон келди, сизлар ёзасиз-ку. Бизникининг кўпи чиқит

ҚЎШМА КОРХОНАНИНГ ЗАМОНАВИЙ САВДО ТАРМОҒИ ОЧИЛДИ

Яқинда "BCT Cluster" ва "TCT Cluster" кластерлари раҳбари, сенатор Муртазо Раҳматов нашримизда чоп этилган мақоласида пахтани екишдан тортиб, хом ашёни чуқур қайта ишлашга қадар бўлган "занжири"ли жараён афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берган эди.

ИШБИЛАРМОНЛИК

Шунингдек, Бухорода бешта фабрикадан иборат тўқимачилик мажмуаси ишга тушиши билан ўзори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар тайёрлашга киришилгани, корхонанинг савдо тармоқларини фойдаланишга топшириш тадбирлари кўриляётгани таъкидланган.


Мана, ниҳоят орзиқиб кутилган кун келди. Гап шундаки, Бухоро шаҳрида корхонанинг "B Jeans" дўкони иш бошлади.

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда фаровонлик ва тараққиётга эришиш йўлида тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляётгани бежиз эмас. Зеро, фақат шу йўл орқалигина аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни жадал юксалтириш мумкин.

"B Jeans" дўкони корхонанинг юртимиздаги иккинчи савдо тармоғи. Келгусида бундай нуқталарни кенгайтириб, бошқа вилоятлар, шунингдек, яқин ва узоқ хорикнинг йирик шаҳарларида ҳам филиалларини очиб режалаштирилган.

Айтиш жоизки, "B Jeans", бу — "Bukhara Cotton Textile" қўшма корхонаси (BCT) томонидан ишлаб чиқарилган янги маҳаллий жинси бренди ҳисобланади. BCT корхонаси энг сўнгги русумдаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).



Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Депоҳона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Advertisement for 'ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ' featuring a list of cable network branches across various cities like Tashkent, Yangi-Yul, and Chirchik. Includes contact information and a logo for 'КАБЕЛЬ'.

Advertisement for 'ШАРҚ' (Sharq) printing and publishing services, including contact details for the company and its branches.